

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МАТИМОВ КОШКАРБАЙ ГЕНЖЕБАЕВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИДА ИМПРОВИЗАЦИЯ АНЪАНАСИ  
(генезиси ва эволюцияси)**

**10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Матимов Кошкарбай Генжебаевич**

Қорақалпоқ адабиётида импровизация анъанаси

(генезиси ва эволюцияси).....5

**Матимов Кошкарбай Генжебаевич**

Традиция импровизации в каракалпакской литературе

(генезис и эволюция).....23

**Matimov Koshkarbay Genjebaevich**

Tradition of improvisation in Karakalpak literature (genesis and evolution).....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 03/30.04.2021.Fil.20.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МАТИМОВ КОШКАРБАЙ ГЕНЖЕБАЕВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИДА ИМПРОВИЗАЦИЯ АНЪАНАСИ  
(генезиси ва эволюцияси)**

**10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil1402 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳибасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алтамбергенов Кенесбай  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жаримбетов Қурбанбай Қудайназарович  
филология фанлари доктори, профессор

Палимбетов Камал Сарсенбаевич  
филология фанлари доктори (DSc)

Етакчи муассаса:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси Ўзбек тили, адабиёти ва  
фольклори институти

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «8» апрел кунги соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй, Тел.: (99861) 223-59-25), факс: (99861) 223-59-25, e-mail [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (80 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25.

Диссертация автореферати 2022 йил «25» сентябр кuni тарқатилди.  
(2022 йил «25» 09 даги № 5 рақамли реестр баённомаси).



Қ.К.Оразымбетов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филол.ф.д., профессор

Д.Б.Сейткасымов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ишчи котиби, филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент

Қ.Қ.Жаримбетов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида адабий жанрлар поэтикаси, ижодкорлик усуллари, шеър яратиш маҳорати ва шоир ижодиётидаги импровизация анъанасини ўрганиш тамойили алоҳида эътиборга сазовордир. Адабиёт ва фольклор тарихида жирова-шоирлар, шоирлар, жирова-бахшилар ва сўз санъати усталарининг импровизация усулида асар яратиш келиши, унинг анъанага айланиш бориши, бугунги миллий шеърятимизда ҳам давом этиб келаётганлиги маълум. Бинобарин, импровизацион маҳорат (хазиржавоблик, бадиҳагўйлик) ва унинг анъанага айланиш жараёни, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари бўйича амалий хулосалар чиқариш ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Дунё адабиётшунослигида бадиий сўз санъати тарихида алоҳида эътиборга молик адабий жараён бўлган импровизация усулини миллий адабиётлар мисолида янгича ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боистан ҳам адабиёт тарихида бадиий асарларнинг импровизация усули билан ҳам яратилганлиги, ижодда ва ижрочиликда импровизациянинг аҳамиятли бадиий жараён эканлиги, шаклланиши ва тарихий тараққиёт босқичлари каби муаммоларни комплекс ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хорижий олимларнинг импровизация анъанаси юзасидан илмий тадқиқотларидаги назарий қарашларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир миллий адабиётда импровизация анъанасининг шаклланиш жараёни бўйича илмий изланишларни амалга ошириш муҳимдир. Шу боисдан ҳам миллий адабиётларда импровизация анъанасини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбек ва қорақалпоқ адабиётшунослигида мустақилликнинг сўнгги йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ислохотлар жараёнида миллий маънавият жамиятда ҳар томонлама инсон тарбиясига хизмат қилиб, «адабиёт ва бадиий санъатга, маданиятга эътибор – бу энг аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор»<sup>1</sup> тенденцияси асосида ривожланиш йўлига ўтди. Бугунги кунда халқимиз маънавиятини ривожлантиришда адабий таъсир кўрсатиш келажак халқ оғзаки ижоди, жировчилик, бахшичилик санъати ва шоирлар ижодидаги импровизация анъанасини илмий ўрганиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар баркамол авлодни тарбиялашда муносиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш ҳақида»ги фармонлари ва 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш,

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – Тошкент: 2017. 4 август, 153 (6847).

китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2018 йил 5 апрельдаги ПҚ-3652-сон «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида, шунингдек, ушбу йўналишга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Импровизация анъанаси адабиётшунослик, санъатшунослик, педагогика ва фалсафа фанлари аспектида ўрганилиб келинмоқда. Жаҳон илмида А.В.Шевель, Л.А.Григорьева, И.В.Пчеловодова, М.Ю.Кузьмина, И.В.Лозовой А.А.Гаджиева, Л.Н.Мун, А.Ю.Сисоев, О.А.Стаина, А.В.Толшин, А.В.Кубасов, А.В.Котова, Е.С.Юрина, И.Г.Матюшина, З.И.Власова, Н.И.Швечкова, М.Ф.Бухуров, С.М. Кажаров, А.В. Налобин, А.Б.Храмов, Е.В.Фролова сингари бир қатор олимлар халқ оғзаки ижоди, бадиий адабиёт, сўз санъати ва бадиий санъат турларидаги анъанага айланган импровизация жараёни: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, бадиий поэтикаси ва усуллари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишларини алоҳида таъкидлаш лозим<sup>2</sup>. Мазкур олимларнинг илмий-назарий хулосалари, айниқса,

---

<sup>2</sup> Шевель А.В. Импровизация в художественном творчестве: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Москва, 1998. – 52 с.; Григорьева Л.А. Жанровая динамика, художественные принципы, циклы: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Барнаул, 2001. – 54 с.; Пчеловодова И.В. Удмуртские лирические песни: истоки и формирование традиции: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ижевск, 2006. – 26 с.; Кузьмина М.Ю. Устойчивое и вариативное в лексиконах русских былин: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Курс, 2015. – 21 с.; Лозовой И.В. «Общие места» (loci communes) как художественный прием певцов и сказителей русских былин: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Элиста, 2013. – 21 с.; Гаджиева А.А. Типологическая общность восточного рубаи и четверостиший Дагестанских поэтов второй половины XIX - начала XX века: Автореф. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2005. – 24 с.; Мун Л.Н. Импровизация как вид творческой деятельности в теории и практике музыкального образования: Автореф. дис. ... канд. педагог. наук. – Москва, 2001. – 24 с.; Сысоев А.Ю. Феномен свободной импровизации в музыке XX века: Автореф. ... канд. искусств. наук. – Москва, 2013. – 33 с.; Стаина О.А. Формирование сценических импровизационных умений у подростков в условиях театральной студии: Автореф. ... канд. педагог. наук. – Екатеринбург, 2012. – 24 с.; Кубасов А.Б. Проза А. П. Чехова: Искусство стилизации: Автореф. дис. ... док. филол. наук. – Екатеринбург, 1999. – 54 с.; Котова А.В. Сравнения в римском героическом эпосе I в. до н. э. – I в. н. э.: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2016. – 52 с.; Юрина Е.С. Античная литература как философский дискурс: идеи софистов в трагедиях Еврипида и комедиях Аристофана: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2016. – 52 с.; Матюшина И.Г. Древнейшая лирика Европы: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Москва, 1999. – 44 с.; Власова З.И. Скоморохи и фольклор: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2001. – 52 с.; Швечкова Н.И. Жанрово-стилевые особенности современного мордовского сказительского творчества: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Саранск, 2001. – 24 с.; Кажаров С. М. Роль архаических жанров ораторского искусства адыгов в формировании национально-художественных литературных традиций: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Черкесск, 2000. – 38 с.; Налобин А.В. Литературный апокриф в русской прозе XIX - начала XX века: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2014 – 52 с.; Храмов В. Б. Импровизация как форма творческой деятельности // Культурная жизнь Юга России, - № 4 (42), 2011 ст.10; Фролова Е.В. Приемы ораторской импровизации // Записки Горного института. Т.160. Часть 1. Ст.154.

импровизация анъанасининг назарий асосларини белгилашдаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Туркий халқлар адабиётшунослиги ва бадиий санъат илмида М.Қўшмоқов, Т.Мирзаев, Е.Исмайлов, А.Қонратбаев, Н.Турекулов, Б.Адамбаев, А.С.Қидиршаев, А.С.Серикбаева, К.С.Бузаубагарова, С.Т.Кайипов, В.К.Сабинова, Л.Х.Мухаметзянова, М.Х.Идельбаев, Н.А.Хуббитдинова, Ф.Т.Кузбеков, Н.Г.Кульсарин, Ф.А.Кусегенова, Ш.Х.Имомназарова, С.М.Сариев, Х.Х.Дўсматов, Т.У.Зуфаровлар халқ оғзаки ижоди асарларидаги импровизация жараёни, шоирларнинг бадиий меросларидаги импровизация усуллари, поэтик маҳорати, тарихий тараққиёт анъанаси бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган<sup>3</sup>.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида Н.Даўқараев, Қ.Айимбетов, И.Сағитов, Қ.Мақсетов, К.Мамбетов, М.Нурмухамедов, М.Низаматдинов, Н.Камалов, А.Тажимуратов, А.Пахратдинов, Ю.Пахратдинов, Қ.Жаримбетов, С.Баҳадирова, К.Алламбергенов, Ж.Хошаниязов, Қ.Оразимбетовларнинг илмий тадқиқот ишларида бадиий адабиётнинг назарий асослари, адабиёт тарихи, халқ оғзаки ижоди, жирова-шоирлар, импровизатор шоирлар ва сўз кўллаш маҳорати – импровизацияга боғлиқ баъзи масалалар бўйича илмий тадқиқотлар ўрин олган<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Кушмаков М. Проблемы традиции и импровизации: (на примере репертура представителей курганской школы сказителей Эргаша Джуманбулбул оглы): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984; Қўшмоқов М. Бахшилар хазинаси (Адабий-танкидий мақолалар). – Тошкент: Бадиий нашриёт, 1981; Қўшмоқов М. Чечанликда сўзга сувдайин оқиб... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978; Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 2018; Исмайлов Е. Ақиндар. – Алматы, 1956; Қонратбаев Э. Қазақ әдебиетінің тарихы. Алматы: – Білім, 1994; Эпос және оның айтыўшылары. – Алматы: Қазақстан, 1975; Адамбаев Б. Шешендік өнер. – Алматы: Ғылым, 1999; Қыдыршаев А.С. Шешендіктану: теориясы және практикасы.– Орал, 2012; Турекулов Н. Современное казахское устно-народное и индивидуальное творчество. (Жанровый состав и структурно-функциональные особенности): Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Ташкент. 1984; Серикбаева А.С. Кораническая традиция в казахской литературе: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва. 2001; Бузаубагарова К.С. Стих Олжаса Сулейменова: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1984; Қыдырбоева З. Сказительское мастерство манасчи. – Фрунзе: Илим, 1984; Кайыпов С. Т. Художественно-образительные средства эпоса «Эр Төштүк» (на материале киргизской и других тюркоязычных версий): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1984; Сабинова В.К. Специфика публицистической литературы кыргызского зарубежья как части общего социально-культурного контекста Кыргызстана (дискурсивно-концептуальный анализ): Автореф. дис. ... докт. филол. наук. Душанбе, 2015; Мухаметзянова Л.Х. Татарские книжные дастаны: история становления жанра и поэтика: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Казань, 2015; Идельбаев М. Х. Изустная литература в системе башкирской словесности: Автореф. дис... докт. филол. наук. – Уфа, 2011; Хуббитдинова Н. А. Башкирский фольклор в литературе XIII-XIX веков: творческое освоение его мотивов, сюжетов, образов, традиций в башкирской литературе и произведениях русских писателей XIX в. Автореф. дис. ... докт. филол. наук.– Уфа, 2013; Кузбеков Ф.Т. Становление средств массовой информации Башкортостана и развитие этнической культуры башкир, XIX в. 1930-е гг.: Автореф. ... докт. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2001; Кульсарин Н.Г. Образ богатыря в русском и башкирском героическом эпосе: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2014; Кусегенова Ф. А. Ногайские дастаны: национальная специфика, межэтнические и фольклорно-литературные взаимосвязи: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала. 2004; Имомназарова Ш.Х. Ўзбек фольклориди ўлан жанри (ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва бадиияти): филол. фан. фалс. докт. (PhD) дис. автореф. – Тошкент, 2018; Сариев С.М. “Гўрўгли” туркуми дostonларининг оғзаки ва кўлзма нусхаларини киёсий ўрганиш: филол. фан. докт. (DSc) дис. автореф. – Тошкент, 2018; Дўсматов Х.Х. Аския матнининг лингвостилистикаси: филол. фан. фалс. докт. (PhD) дис. автореф. – Фарғона, 2018; Зупаров Т.У. Специфика узбекских народных дастанов и их художественно-образительные средства: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент. 1985.

<sup>4</sup> Даўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. Т. 2. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977; Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис, Қарақалпақстан, 1988; Сағитов И. Қарақалпақ халқының қахарманлық эпосы. – Нөкис: ККГиз, 1963; Мақсетов К. Поэтика каракалпақского героического эпоса. – Ташкент: Наука, 1965;

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди ва қорақалпоқ адабиёти тарихи», «Ҳозирги давр филология назарияси ва методикасининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** импровизация анъанасининг қадимий манбалари, унинг қорақалпоқ адабиётида шаклланиши, ривожланиш босқичлари, назарий асослари, халқ оғзаки ижодидаги поэтик усул эканлиги ва импровизациянинг ҳар бир шоир ижодидаги алоҳидалик хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

импровизациянинг қадимий манбалари, тарихий илдизлари, ривожланиш босқичлари ва назарий асосларини белгилаш;

қорақалпоқ адабиётида импровизация анъанасининг пайдо бўлиши ва шаклланиш манбаларини ўрганиш;

чечанлик (сўз қўллаш) санъати ва фольклорнинг лирик жанрларидаги импровизация жараёнларини аниқлаш;

жиров-шоирлар ижоди ва жировлар репертуарида импровизация анъанасининг аҳамиятини ойдинлаштириш;

XIX-XX асрлар қорақалпоқ адабиётидаги импровизатор шоирлар ижодида импровизация жараёни ва поэтик маҳоратини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қорақалпоқ халқ кўшиқлари, чечанлик сўзлар, терма-тўлғовлар, шоирлар айтишувлари, Соппасли Сипира жиров, Асан Қайғи, Жийренше чечан, Муйтен жиров, Жийен жиров, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ, А.Мусаев, Т.Жумамуратов ва И.Юсуповларнинг асарлари манба қилиб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни қорақалпоқ адабиётида импровизация анъанасининг пайдо бўлиши ва шаклланиш босқичлари, назарий асослари, қорақалпоқ жиров, бахши ва шоирлар репертуарида импровизация анъанаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ва бадиий-эстетик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

---

Қарақалпоқ фольклорининг эстетикаси. – Нөкис: Қарақалпоқстан, 1971; Қарақалпоқ халқининг кўркем аўзеки доретиўшилиги. – Нөкис: Қарақалпоқстан, 1996; Дәстанлар, Жыраўлар, Бақсылар, – Нөкис: Қарақалпоқстан, 1992; Мәмбетов К. Ерте дәўирдеги қарақалпоқ әдебияты. – Нөкис: Билим, 1992; Қарақалпоқлардың этнографиялық тарийхы. – Нөкис: Қарақалпоқстан, 1995; Пахратдинов Ә. Халық шайырларында шайыршылықтың келип шығыў тарийхынан. – Нөкис: Қарақалпоқстан, 1980; Пахратдинов Ю. Қарақалпоқ сатирасы, – Нөкис: Қарақалпоқстан, 1991. Адам, жәмийет, сатира. – Нөкис: Қарақалпоқстан, 1991; Алламбергенов К. Қарақалпоқ әдебиятында айтыс. – Нөкис: Қарақалпоқстан, 1989; Баҳадырова С. Қарақалпоқ қандай халық. – Ташкент: Наврўз, 2017; Бауатдинова С. Қарақалпоқ халық қосықлары (XX әсирдин 60-90-жыллары): Филол. фан. ном. дис... автореф. – Нөкис, 2000; Оразымбетов Қ. Таңламалы шығармалары. Т. I, II. – Нөкис: Билим, 2018; Хошниязов Ж. Қарақалпоқ қаҳарманлық дәстанлары – миллий кәдириятлар дәреги. – Нөкис: Илим, 2017; Хошниязов Ж. Миллий дәстанларымыз – руўхый хәм материаллық мәдениятымыздың хасыл үлгилери. – Нөкис: Илим, 2018.

қорақалпоқ адабиётида импровизация - ҳозиржавоблик, бадиҳағўйлик усулининг тарихий илдизлари қадимги туркийларнинг уруғчилик тузуми даврига бориб тақалиши, унинг XIV-XVI асрлардаги жирова-шоирлар шеъриятида шаклланиш босқичларига эгаллиги очиқ берилган;

халқ оғзаки ҳамда жирова, бахши ва шоирлар ижодида импровизация (ҳозиржавоблик) усулининг халқ маънавий дунёсининг шаклланишига, тўй ва байрам сайлларида оғзаки ижро жараёнида ўзига хос жиҳатлари, унинг шеър яратиш амалиётида зарур усул эканлиги ва чечанлик санъати, фольклорнинг лирик жанрлари ва шоирлар айтишувида импровизация аънасининг алоҳида белгилари сифатида асосланган;

жирова-шоирлар ижодида импровизация алоҳида поэтик усул эканлиги, лирик асарнинг шаклланишида муҳим адабий жараён бўлганлиги, адабиётнинг поэтик жиҳатдан такомиллашиши жараёнидаги жировачилик шеъриятининг ўрни ва импровизацион маҳорати, оғзаки ижод асарлари (терма, тўлғов, достонлар) нинг тўла асар сифатида шаклланиш аҳамияти очиқ берилган;

XIX-XX асрлардаги қорақалпоқ адабиётидаги Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ, А.Мусаев, Т.Жумамуратов, И.Юсупов сингари шоирлар ижодидаги шоирлар айтишуви ва ҳазил-мутойиба, бағишлов, таъриф-мақтов, дидактик кўшиқларида импровизацион маҳорат усуллари, терма-тўлғов, кўшиқ, ҳажвий-сатирик ва мусиқавий импровизация шакллари ва уларнинг поэтик оламида бадиий тасвирий воситалар, тасвириш усуллари нинг хусусий белгилари мавжудлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бадиий адабиётда импровизация (бадиҳағўйлик) аънасининг қадимий манбалари, пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва назарий асослари очиқ берилган;

бадиий адабиёт ва халқ оғзаки ижодида импровизациянинг поэтик усул эканлиги исботланган;

чечанлик санъати, фольклорнинг лирик жанр ижодкорлари ва ижрочилари – бахши ва жирова, уларнинг айтишувлари импровизация орқали ривожланганлиги далилланган;

жирова-шоирлар ижоди, жирова репертуари ва поэтик маҳорати, тарихий кўшиқ, терма-тўлғов, достон ижрочилиги жараёни импровизация усуллари орқали шаклланишнинг очиқ берилган;

XIX аср шоирлари Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ ва XX аср шоирлари А.Мусаев, Т.Жумамуратов, И.Юсупов каби шоирлар ижодидаги импровизация, яъни ҳозиржавоблик ва у билан боғлиқ ҳолатлар тадқиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифаларига мувофиқ, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ва бадиий-эстетик таҳлил усуллари нинг қўлланилганлиги, унда фойдаланилган назарий, бадиий-адабий материалларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, тадқиқот

натижаларининг амалиётда кенг қўлланилиши, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ адабиётшунослигида импровизация анъанасининг шаклланиш тарихи, бадий тадрижи ҳамда назарий жиҳатлари билан боғлиқ илмий концепцияларни янада кенгайтириш ва тўлдиришга, импровизатор ижодкорлар, жумладан жирова-шоирлар, жировлар ва сўз усталарининг поэтик маҳоратини, ўзига хос индивидуал ижодкорлик хусусиятларини XIX-XX аср қорақалпоқ шоирлари мисолида назарий аспектда ёритиб беришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти импровизациянинг қадимий манбалари, тарихий ривожланиш босқичлари ва назарий асослари ҳамда шоир, жирова, бахши ва шу каби сўз усталари ижодида импровизация анъанасининг аҳамияти борасидаги хулосалар ва илмий қарашларнинг олий ўқув юрларида «Қорақалпоқ фольклори», «Қорақалпоқ адабиёти тарихи», «Адабиётшуносликка кириш», «Адабиёт назарияси», «Ҳозирги қорақалпоқ адабиёти ва адабий жараён» фанларидан дарслик, ўқув қўлланма ва методик қўлланмалар яратишда, маъруза матнларини янгилашда, талабаларнинг битирув малакавий иши ва магистрлик диссертация ишларини бажаришда зарур илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоқ адабиётида импровизация анъанасини ўрганиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

қорақалпоқ адабиётида импровизация анъанаси, пайдо бўлиши ва шаклланиш босқичлари ва жирова-шоирлар, чечанлик санъатидаги импровизация жараёнлари бўйича илмий-назарий хулосалардан Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» (2017-2020) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 20 августдаги 210/1-сон маълумотномаси) Натижада, импровизация анъанасининг назарий асослари, қорақалпоқ адабиётшунослигининг ўрганилиш тарихига боғлиқ илмий-назарий қарашлар янги маълумотлар билан бойитилган ва такомиллаштирилган;

бадий адабиёт, халқнинг маданий ҳаёти ва маънавий дунёқарашининг такомиллашувида ва жирова-шоирлар ижоди, жировлар репертуаридаги эпик асарларнинг шаклланиши, дoston ижроси жараёнида импровизациянинг аҳамияти каби хулоса ва илмий тавсиялардан Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020-2021 йилларга мўлжалланган ишчи режасининг қатор бандлари ижросини таъминлашда назарий-методологик асос сифатида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 2-03/1438-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчи-ёшларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини

шакллантиришда, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлган;

жиров-шоирлар ижоди, жировлар репертуаридаги эпик асарларнинг шаклланишида, дoston яратишдаги импровизациянинг аҳамияти, XX-XXI асрлардаги қорақалпоқ адабиётида импровизация анъанаси, импровизатор-шоирлар ижодида импровизация усуллари борасидаги илмий-назарий хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейида қорақалпоқ жиров-шоирлари ҳаёти ва бадиий мерослари бўйича ташкиллаштирилган экспозицияларнинг мазмунини бойитишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейининг 2021 йил 24 августдаги 348-сон маълумотномаси). Натижада, бир қатор қорақалпоқ жиров-шоирларининг адабиёт тарихидаги ўрни, импровизация усуллари, шоирлар ижодидаги импровизация жараёнлари ва улар яратган асарларнинг инсон тарбиясидаги роли ва аҳамиятини ёритиб бериш имконияти яратилган;

қорақалпоқ халқ оғзаки ижодидаги импровизация анъанаси, жиров-шоирлар, импровизатор шоирлар ва XIX-XX асрлардаги халқ шоирлари ижодидаги импровизация анъанаси хусусидаги илмий-назарий хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси «Қарақалпақстан» телеканалининг «Ассалаўма элейкум, Қарақалпақстан», «Г'ўҳар сөзлер», «Әдебиат бостаны» ва бошқа кўрсатувларни тайёрлашда, «Қарақалпақстан» радиоканалининг «Қайырлы таң», «Әдебиат ҳам д'ўир» эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2021 йил 14 сентябрдаги 01-02/432-сон маълумотномаси). Натижада, жиров-шоирлар ва XIX-XX асрлардаги халқ шоирлари ижодидаги импровизация анъанаси, поэтик маҳорати, асар ғоясининг инсон тарбиясидаги аҳамияти ва таълим-тарбия жараёнида адабиёт тарихи материалларидан фойдаланишнинг янги методлари ҳақида кенг томошабинлар аудиториясига маълумотлар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, улардан 8 та мақола республика, 2 та мақола чет эл журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Импровизация анъанасининг пайдо бўлиши, шаклланишининг тарихий асослари ва назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобнинг биринчи фасли «**Маънавий-маданий турмуш ва импровизация**» масаласига бағишланган.

Инсоният жамиятининг қадимги даврларида бадиий санъат турлари чамбарчас боғлиқликда, яъни синкретик шаклда ривожланган<sup>5</sup>. Буни, биринчидан, қадим даврлардаги фан-техника ва ёзма адабиётнинг ҳали юқори даражада ривожланмаган даврлари билан белгилайдиган бўлсак, иккинчидан, халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятга эга эканлигида кўринади. Демак, фольклор асарлари импровизация усуллари орқали яратилган. Бадиий санъат турларининг (бадиий адабиёт, мусиқа, театр ва ҳ.к.) ижодкорлик фаолияти импровизация усули орқали ривожланади.

Қадимги Грецияда импровизация қобилиятига эга бўлган аэдрасодлар<sup>6</sup>, Фарбий Европанинг жонглери билан шпильманлари, Скандинавия шеърятининг қадимги тури - скальдлар, Англия ва Ирландия халқларида бардлар, рус эпосининг ижрочилари (сказители), скоморохлар, украинларнинг кобзари, бошқирд адабиёти тарихидаги сэсэн, татар адабиётидаги чичэнлари<sup>7</sup>, ўзбек бахшилари, бадиҳагўй шоирлари<sup>8</sup>, козоқлардаги оқинлар<sup>9</sup> ижоди тўла импровизация орқали намоён бўлади.

Қорақалпоқ адабиёти тарихида импровизация қобилиятига эга жирова, бахши, чечан, лакқи, лофгўй, шоир ва бадиҳагўй шоирлар кўзга ташланади. Улар импровизацион туғма қобилияти орқали халқ оғзаки ижодиёти асарларини ижро этиб, янги вариантларининг яратилишига ҳисса қўшиб келишган.

Жиров-шоирлар терма-тўлғовларни, тарихий кўшиқларни ўзлари яратишиб, мусиқа асбоби ҳисобланган кўбиз орқали ижро этишган. Улар мусикачи, композитор ва актёрлик қобилиятига эга бўлганлар. Жировлар дoston ижроси жараёнида дostonдаги ижобий ёки салбий образларни яратиши, ролга кириши, ижро услуби, сўзи ва ҳаракатларида аниқ сезилади.

<sup>5</sup> Словарь Литературоведческих терминов (редакторы-составители Л.И.Тимофеев и С.В.Тураев). – Москва: Просвещение, 1974. – С. 351.

<sup>6</sup> Тронский И.М. История античной литературы. – Москва: Высшая школа, 1988. – С. 46.

<sup>7</sup> Алексеев М. П., Жирмунский В. М. и др. История зарубежной литературы. Средние века и Возрождение. – М.: Высш. шк., 1987. – 415с.; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высш. шк., 2010.– 648 с.; Словарь Литературоведческих терминов (редакторы-составители Л.И.Тимофеев и С.В.Тураев) – Москва: Просвещение, 1974. – С. 25, 270, 309.

<sup>8</sup> <http://e-adabiyot.uz>

<sup>9</sup> Исмаилов Е. Акындар. – Алматы, 1956. – Б. 7-15.

Демак, халқ жировлари дoston ижроси жараёнида, даврада, катта дала театрини ярата олган.

Жиров-шоирлар жамиятнинг маънавий оламга бўлган эҳтиёжларини хисобга олиб, ижодда мунтазам ўз устида ишлашини, миллий фольклор асарларини, аҳоли турмушини чуқур ўрганишни бош мақсад қилди. Мана шундай ижодкорлик ва ижрочилик жараёнида бир-бирининг ижро этиш маҳорати ва услубини ўрганди. Демак, импровизация қобилияти ижодкорларда табиий истеъдод ва ижодий тажрибалар натижасида пайдо бўладиган жараён.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **«Импровизация терминининг таърифи ва бадий адабиётда импровизация анъанасининг назарий асослари»** деб номланади. Ушбу фаслда жаҳон адабиётшунослигининг назарий тадқиқотларига таянган ҳолда, импровизация терминининг таърифини очиб бериш ва унинг бадий адабиётдаги назарий асосларини белгилашдан иборат.

Импровизация усули бадий санъат турлари бўлган адабиёт, мусиқа, театр, хореография каби санъат турларида учрайдиган бадий жараён бўлиб, унинг пайдо бўлиши, шаклланиш босқичлари ва ижодий анъана сифатида ривожланиши тарихи халқ оғзаки ижоди билан чамбарчас боғланган.

Импровизация – (бадиҳа) – (кутилмаганда айтилган чиройли сўз, топқирлик). Олдиндан махсус тайёргарликсиз, тўсатдан айтилган асар. Қандайдир воқеадан қаттиқ таъсирланиш, мушоираларда бирон шоир айтган асарга жавоб учун ёки кутилмаган вазиятдан ҳозиржавоблик билан чиқиб кетиш зарурлигидан яратиладиган ижод маҳсули<sup>10</sup>. Импровизация шоирдан юксак даражадаги бадий тафаккурни, шеър ёзиш маҳоратини чуқур эгаллаш, маълум бир воқеа-ҳодисани, ҳолатни баҳолай олиш, бадий ижодкорлик, теран фикрлаш, ҳис-туйғуга эга бўлиш каби кўникмаларни талаб этади.

Поэтик ижодкорлик жараёнидаги импровизацион бадий жараёнлар ҳақида М.Монтень, И.В.Гете, О.Бальзак, А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь, И.А.Гончаров, Л.Н.Толстой, В.В.Маяковский, А.Т.Твардовский ва бошқа шоир-ёзувчилар юқори баҳолайди<sup>11</sup>. Д.Дидро, К.С.Станисловский, В.Е.Мейерхольд, Е.Б.Вахтангов, А.Я.Таиров, В.А.Щербаков, А.Гладков, М.Л.Рехельс, Б.А.Матанов, П.Н.Берков, Н.И.Львов, В.Е.Гусевалар эса халқ

<sup>10</sup> Қуранов Д., Мамажанов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 61.

<sup>11</sup> Монтень М. Опыты. Кн.1 // История эстетики. Памятники мировой эстетической мысли. Античность. Средние века. Возрождение. – М.: Академия художеств СССР, 1962, – Т. I. – С. 556-558; Бальзак об искусстве. – М.-Л.: Искусство, 1941. – 528 с.; Пушкин А.С. Соч. в 3 т. – М.: Худ. литература, 1986. – Т. III. – С.217-229.; Гоголь в жизни. Систематический свод подлинных свидетельств современников // Вересаев В. Соч. в 4 т. – М.: Правда, 1990, – Т.Ш. – С.315-540; Толстой Л. Об искусстве и литературе. – М.: Сов. писатель, 1958. – Т.П. – 576 с.; Маяковский В. Как делать стихи // Соб. соч. в 12 т. – М.: Правда, 1978. Т. XI. – С. 236-270; Твардовский А. Как был написан «Василий Теркин» // О литературе. – М.: Современник, 1973. – С. 324-360.

драмаларидаги импровизация жараёнлари ҳақида назарий фикрлар билдиришган<sup>12</sup>.

Бадиий адабиётда, айниқса, шеърятда импровизация анъанаси алоҳида бадиий санъат ва поэтик ижоддаги усул ёки қўшиқ яратиш маҳорати сифатида баҳоланади. Дунё адабиётида кўпгина буюк сўз усталарида импровизация қобилияти бўлган. Уларнинг импровизацион ижодкорлиги натижасида янги асарларнинг дастлабки вариантлари бадиий тафаккур оламида шаклланган. Улар кейинчалик импровизация натижасида яратилган асарини кейинги ижодий фаолиятида такомиллаштириб борган.

Поэтик импровизация – жирова-бахши, шоирларда олдиндан ҳеч қандай тайёргарликларсиз, белгиланган бир сюжет ёки мавзу бўйича асар (шеър)ни ўша жойнинг ўзида яратиши ҳисобланади. Қорақалпоқ халқ жирова-бахшилари, шоирлари бадиҳагўй (импровизатор) бўлишган. Ушбу адабий жараённи ижод учун аҳамиятли анъана деб тушунган. Импровизация асосида ўтказиладиган айтишувлар (жавоб айтишуви, анъанавий айтишув ва шоирлар айтишуви) сўз санъатининг баланд чўққиси саналади. Ҳаваскор йигит-қизларнинг анъанавий жавоб айтишувларида ҳамда мохир шоирлар айтишувларида халқ томонидан импровизатор шоирларнинг сўз қўллаш маҳорати, бадиҳагўйлик қобилияти баҳоланган. Импровизатор шоирлар халқ оғзаки ижодини жуда яхши билишган. Энциклопедик билимлар уларнинг сўз танлашида, айтишувида катта аҳамиятга эга бўлган.

Иккинчи боб «**Қорақалпоқ адабиётида импровизация анъанасининг пайдо бўлиши ва шаклланиш манбалари**» деб номланади. Мазкур бобнинг кириш қисмида қорақалпоқ адабиётининг бадиий манбалари, қадимги туркийларнинг уруғчилик тузуми даврларидаги сўз санъатининг энг дастлабки намуналарининг оғзаки импровизация усуллари билан яратилиши ўрганилади. Боб икки фаслдан иборат бўлиб, биринчи фасл «**Чечанлик санъати ва импровизация**» деб номланиб, унда импровизациянинг тарихий ривожланиш босқичлари, халқларнинг маданий, маънавий, сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик турмушидаги аҳамияти, сўз санъати ва ўзаро муносабат маданиятининг импровизация усули билан шаклланиши ҳақида сўз юритилади.

Чечанлик санъати жамиятнинг сиёсий-дипломатик, ижтимоий-иқтисодий турмуш эҳтиёжларидан келиб чиққан. У жамиятнинг тарихий ривожланиш босқичларида касбга айланиб, ўз даврининг бадиий-эстетик талабларини қаноатлантириш билан бирга, сиёсий курашнинг ягона қуролига айланган. Чечанлик сўзларнинг амалий натижалари уруғ-қабилаларнинг, халқлар ва давлатларнинг сиёсий-дипломатик, иқтисодий муносабатларида сиёсий-ҳарбий уруш-жанжалларни тинч йўл билан хал қилиш, ижтимоий тарихий жараёнларда, бадиий адабий манбаларда, халқ оғзаки ижодида ўз бадиий ифодасини топган. Адабиёт тарихида чечанлик санъати сиёсий

---

<sup>12</sup> Шевель Анатолий. Импровизация в художественном творчестве: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Москва: 1998. – с.52

дипломатияда, хон хузири қабулида ва суд мажлисларида алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Чечанлик санъати тарихида чечанлик ва импровизация қобилиятига, иқтидорига эга бўлган барча туркий халқлар донишмандларидан Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Абдулла ал Хоразмий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Юғнакий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бақирғоний, Амир Унсурулмаоний Кайқовус, Саадий, Носириддин Рабғузий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва улардан бизгача етиб келган бадиий адабий ҳамда энциклопедик асарлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур донишмандлар асарларида бадиий шеръият ва илмий фаразлар билан қоришиб кетган чечанлик ва импровизация маҳорати намуналарини кўриш мумкин.

Адабиётшунос олим К.Мамбетов бу давр жиров-шоирларини ўрганиб, «Қотан, Кетбуға ва Соппасли Сипира жировлар нафақат ўткир тилли жиров, балки, хоннинг ҳам, халқнинг ҳам эътиборини тортган ўз замонасининг энг донишманд инсонлари бўлган. Жировлар мактаби бу бир томондан кўпроқ чечанлар мактабига яқин ҳисобланади»<sup>13</sup> - деб баҳо беради.

Қорақалпоқ фольклорида Маман бий, Турим бий, Торе бий, Ережеп тентак, Омирбек лаққи, Қабул бий, Ораз оталиқ, Айдос бий, Ерназар оталиқ сингари юрт фидоийлари билан бир қаторда жиров-бахшилар, шоирлар ва тарихий шахслар номи билан боғлиқ импровизация усули билан яратилган чечанлик санъати қанча даврлардан буён халқнинг миллий мероси сифатида сақланиб келган.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «**Фольклорнинг лирик жанрлари ва импровизация аънанаси**» деб номланган бўлиб, халқ қўшиқлари, маросим қўшиқлари ва халқ шоирлари ижоди импровизация усуллари орқали яратилиб келинганлиги ўрганилади.

Халқ қўшиқларининг яратилиш жараёни ҳозирги ёзма адабиётдаги шоирлар ижодидан анча фарқли хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар халқ қўшиқларининг яратилишида импровизация жараёни, бир неча вариантларга эга бўлиши ва синкретик белгилари билан ажралиб туради. Асосий фарқли хусусияти халқ қўшиқларини ижодкорлар ижро пайтида импровизация усули билан такомиллаштириб, тўй, маросимларда, байрам сайлларида ижро жарёнида кўзга ташланади.

Қорақалпоқ халқ оғзаки ижодида бадихагўйлик билан айтиш санъати кучли ривожланган. Шу боисдан ҳам, халқимиз импровизация қобилиятига эга бўлган шоирларни бадихагўй шоир (*төкпе шайыр*) номи билан атайтиди. Баъзида шоирлар ўз асарларини даврада ижро этиш усулида яратган. Бу ўз навбатида импровизация санъатининг маҳсули эди. Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ каби шоирларнинг мана шундай истеъдодга эга бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Халқ шоирлари шоирлик маҳорати билан бирга бахшичиликни ҳам пухта эгаллаганлар. Бунинг асосий сабаби, ўз асарларини

<sup>13</sup> Мамбетов Қ. Ерте дәуирдеги қарақалпоқ әдебияты. – Нөкис: Билим, 1992. – Б. 172.

ёзма адабиёт ривожланишининг тор доирасида оғзаки ижро этиш орқали кенг халқ оммасига етказиб берган.

Фольклорнинг лирик жанрлари мавзу жиҳатидан бир неча турларга бўлиниб, халқимизнинг неча минг йиллик маданий турмушининг бебаҳо маънавий мероси ҳисобланади. Халқ кўшиқлари ва маросим кўшиқлари импровизация усуллари билан яратилиб, халқнинг маънавий-руҳий, фалсафий, дидактик тафаккур оламини қамраб олган маданий хазинаси бўлиб, уларнинг маънавий дунёсининг шаклланишига ва ривожланишига катта таъсир қилди.

Халқимизнинг турмуш анъаналари билан қоришиб кетган, этнографик манбаларга эга маросим кўшиқлари катта ўрин эгаллайди. Маросим кўшиқлари ичида келин салом кўшиқлари кучли импровизация усуллари орқали яратилиб келинган. *Бет ашар* кўшиқлари халқона – халқ турмуши билан чамбарчас алоқада яратилиб, ижро этилиб келинган фольклор намуналари ҳисобланади. «*Бет ашар*нинг қотиб қолган бир матни ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки, ҳар бир тўйда ҳар хил кишиларга таъриф берилади, улар бир-бирларига ўхшамайди. Қадим даврдаги анъанавий намуналарнинг ўзи ҳам бир неча турда айтилган»<sup>14</sup>. Демак, келин салом ижросида табиий шоирона, импровизация маҳорати талаб этилади.

Импровизация айтишув жанрида асосий рол ўйнайдиган адабий жараён. Адабиётшунос олим К.Алламбергенов «...айтишув жанри импровизация анъанасига асосланади. Бадиҳа, бирданига айтишув истеъдод билан чин юракдан қуюлиб чиққан шеър халқ кўнглидан жой олади, халқ бундай кўшиқларни унутмасдан узоқ вақт ёдида сақлайди»<sup>15</sup>. Импровизация жараёнини Н.Давқараев бадиий халқ оғзаки ижодида, айниқса, айтишув жанрида, жирова-шоирлар, бахшилар ва сўзга чечанлик санъатида мавжуд эканлигини таъкидлайди<sup>16</sup>.

Айтишув жанри импровизацияга асосланиб, шоирдан сўзга чечанлик, топқирлик, шоирлик маҳоратини талаб этади. Айтишувга тушган шоир ҳам бадиий сўз санъатининг ёрдамчи воситалари бўлган мусиқа асбоблари билан умумий ҳолатида ижро этиш жараёнида импровизациянинг табиий шакллари юзага келади. Шоирнинг ўзи ҳам ижодий қобилиятида бетакрор шеърини шакллари кўшиқ бўлиб яралишини сезмай қолади. Айтишув синкретик жанр бўлиб, унинг кўпқиррали белгиларини қозоқ олими А.Қонратбаев: «... қадим айтишув шоирларида импровизациянинг тўрт турли санъати бирлашиб, синкретизм кўринишида намоён бўлган: 1) Улар моҳир импровизатор бўлган, буни сўз санъати деймиз; 2) Тенги йўқ куйчи (дўмбира, кўбиз) бўлган, буни мусиқий импровизация деймиз; 3) Ажойиб ижрочи (солист, артист) бўлди; 4) Замон, эл-юртини чуқур куйлаган буюк мутафаккир, устоз бўлди»<sup>17</sup> - деб кўрсатади.

<sup>14</sup> Максетов Қ. Қарақалпақ халқының көркем аўызеки дөретпелери. – Нөкис: Билим, 1996. – Б. 102.

<sup>15</sup> Аллаамбергенов К. Қарақалпақ әдебиятында айтыс. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989. – Б. 17.

<sup>16</sup> Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. Т. 2. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 96.

<sup>17</sup> Қоңыратбаев Ә. Эпос және оның айтыўшылары. – Алматы: Қазақстан, 1975. – Б. 25.

Айтишув қорақалпоқ фольклорининг адабий-муסיқий санъатининг алоҳида бир тури сифатида баҳоланади. Бу жанр сўз, муסיқа ва ҳаракат (актёрлик) санъатларини ўзида жамлаган синкретик белгиларини сақлаган импровизация санъати саналади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Импровизация анъанасининг қорақалпоқ адабиётидаги кўринишлари ва тараққиёт йўллари**» деб номланади. Ушбу бобнинг «**Жиров-шоирлар шеърляти ва импровизация**» номли фаслида жировчилик шеърляти, бадий манбалари ва импровизация усулининг тараққиёт босқичлари ҳақида сўз юритилади.

Туркий халқлар адабиёти, бадий санъати, маданий ривожланиши жировчилик анъанаси орқали юзага келган.

Жиров-шоирлар – туркий халқлар маданияти тарихида импровизацион маҳорати, ижоддаги ўзига хос бадий поэтик усуллари натижасида қўшиқ, терма-тўлғовлар яратиб, ҳажман катта эпик дostonларни ижро этадиган халқ оғзаки ижодининг йирик вакиллари бўлди. Сопасли Сипира жиров, Асан Қайғи, Доспанбет жиров, Мўйтен жиров, Жийен жировлар ўз навбатида шоир, ҳозиржавоб чечан ва жиров (ижрочи), давлат маслаҳатчиси сифатида ҳам қадрланган. Сўнги даврлардаги жировлар оғзаки ижод асарлари (терма, тўлғов, дostonлар)ни шоир ва импровизацион маҳорати билан ижро этиб, асарнинг ғоявий, бадий ва сюжет структурасининг такомиллашувида муҳим аҳамият касб этган. Жиров дoston ижро этганида чексиз ижодий эркинликка эга бўлади. Дoston ижроси жараёнида эпик формулалар, бадий тасвир воситалари ва усулларидан унумли фойдаланади.

Олим И.Сағитов: «... дoston-жирларни тўхтамай, бадиҳағўйлик билан айтувчи шоир-жировлар қанчалик қобилиятли, кучли бўлса ҳам, импровизация жараёни ўзига хос анъанага, бадий тасвир усулларига асосланади. Қайси халқнинг шоир-жировлари, бахши-жировлари бўлмасин, дoston, қўшиқларни яратиши ёки ўрганиш жараёнида улар ўзларидан олдин ўтган шоир-жировлар яратиб кетган анъаналарга, бадий тасвир усулларига суянади»<sup>18</sup> - деган эди.

Жировчилик санъатининг ўзига хос белгиси – бу сўз маҳорати, индивидуал шоирлиги, халқ оғзаки ижодининг шаклланган бой анъаналари доирасида ривожланганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунинг учун ҳам таниқли олим Қ.Мақсетов: «...истеъдодли халқ жировини олсак, унинг шахсий шоирлигидан кўра халқ шеърляти намуналари ижросида маҳорати алоҳида сезилиб туради»<sup>19</sup>, - деган эди. Бу жировлар моҳир шоир ва импровизация қобилиятига эга бўлгани билан, уларнинг репертуарида бўлган асарни халқ оmmasига етказиб беришда ва тўла асар сифатида шаклланишида алоҳида хизмат бажарганлиги учун уларни биз дoston муаллифи демай, фақатгина ижрочи сифатида баҳолаймиз.

Жиров дoston ижроси жараёнида эпик формулалар, бадий тасвир воситалари ва усуллари, поэтик такрорлардан самарали фойдаланади. Дoston

<sup>18</sup> Сағитов И. Қарақалпақ халқының қахарманлық эпосы. – Нөкис: ҚМБ, 1963. – Б. 52.

<sup>19</sup> Мақсетов Қ. Дәстанлар, жыраўлар, баксылар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. – Б. 32.

таркибига баъзи афсона ва ривоятларни, ҳажвий-сатирик бадиий тўқималарни, мақол-маталларни, ҳикматли ва чечанлик сўзларни, халқнинг дидактик ва фалсафий қарашларини сингдириб юборади. Жировларнинг дoston ижросидаги импровизация адабий жараёнининг бир кўриниши ҳисобланади. Олим Қ.Мақсетов Қурбанбай жировнинг фольклор меросини ўрганиб, «... жировнинг индивидуал, импровизаторлик қобилиятларига боғлиқ «Қаншайим» дostonида оригинал Молламушқил образи, «Менглиқал» дostonида Садуў образлари яратилган»<sup>20</sup>, - деб таъкидлайди.

Жиров-шоирлар синкретик шакллардан унумли фойдаланиб, қорақалпоқ маданияти тарихида сўз санъати (шоирлик) мусиқа санъати ва театр санъатининг (актёрлик) шаклланишида энг дастлабки шаклларини бера олди. Улар импровизацион маҳорати натижасида тарихий кўшиқларни, қаҳрамонлик дostonларни йиллар давомида қайта ишлаб, бадиий поэтик жихатдан такомиллашишига, бой адабий меросга айланишга эришди.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли «**XIX – XXI аср қорақалпоқ адабиётида импровизация анъанаси**» деб номланади.

